



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

2002 йил 4 сентябрь, №190 (3018)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгаши мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда Давлат чегараларини кўриклашни кучайтириш, мамлакат чегарасида ҳудудларида хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, шунингдек, Куролли Кучларимиз жанговар тайёргарлиги самарадорлигини ошириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди, Ўзбекистон ҳарбийлашган тизимлари қўшилма

ва қисмларининг Қашқадарё вилояти тоғли ҳудудларида ўтказилган тезкор-тактикавий машқлари якунлари муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида контракт бўйича ҳарбий хизматчилар, сержантлар, шунингдек, офицер кадрларни касбга тайёрлашни янада тақомиллаштириш, Куролли Кучлар ҳарбий бошқармалари ва штаблари органларининг тайёргарлик даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига таҳдид солаётган хавф-хатарларни теран таҳлил

этиш асосида камсонли, ихчам, замон талабларига жавоб берадиган, яхши ўргатилган ва чегараларимизни, хавфсизлигимизни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоялашга қодир бўлган армияни шакллантиришни кўзда тутувчи Куролли Кучларни ислоҳ этишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини амалга татиқ этиш борасидаги давлат органлари ва ҳарбийлашган тизимлар фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎЗА).

Ҳамкорлик ривожланмоқда

Макроиктосодиёт ва статистика вазирлигида Бош вазир ўринбосари, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистон Республикаси томонидан бошқарувчиси Р.Азимовнинг ЕТБнинг биринчи вице-президенти Н.Дойл билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув чоғида ўзаро ҳамкорлик юқори босқичга чиққанига таъкидланди. Бунинг натижасида умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ ва ЕТБ молиялаш ҳажми 667 миллион АҚШ доллари бўлган 19 та лойиҳа амалга оширилди. Учрашувда тайёрланаётган лойиҳалар, жум-

ладан, ЕТБнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга учинчи кредит линияси, Сирдарё ГРЭСини реконструкция қилиш (II-давр), Тошкент шаҳрини иссиқлик ва ичимлик сув билан таъминлаш, телекоммуникация тармоғи ва "Асака" банкни хусусийлаштириш, ахборот-компьютер технологияларини ривожлантириш дастурини қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга оширишни бошлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, 2003 йилда Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик маж-

лиси ва Бизнес-Форум ўтказишга тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Музокаралар якунида микробизнесни молиялаш бўйича умумий қиймати 20 миллион АҚШ доллари бўлган янги кредит линияси имзоланди. Шу жумладан, Н.Дойл Пахта-банк билан 7 миллион АҚШ доллари ва Ҳамкор-банк билан 2 миллион АҚШ долларига тенг кредит битимларини имзоланди. Мажур кредит линияси доирасида тез орада бошқа тижорат банклари билан ҳам тегишли битимлар имзоланиши таъкидланди. (ЎЗА).



«ДЭУ ТЕКСТАЙЛ»НИ ХОРИЖДА ҲАМ БИЛИШАДИ

Тошлоқ туманидаги "ДЭУ текстайлкомпани" корхонаси маҳсулотлари бугунги кунда жаҳон бозорига ўз нуфузи ва харидорига эга

Кореянинг "ДЭУ Текстайл" корпорациясининг юз фоизли сармоясига барпо этилган ушбу корхонада пахта толасидан 16 хил тур хом сурп ишлаб чиқаришмоқда. Кунига 1300 тонна сифатли ип-қалава ва бир миллион 944 минг по-

гонометр хом сурп ишлаб чиқараётган корхонанинг асосий харидорлари Германия, Италия, Англия, Бельгия, Хитой сингари мамлакатлардир. Айни пайтда ушбу корхонада 1730 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Бу ердаги

тўқув дастгоҳлари эса Осиёда ягона ҳисобланади. СУРАТДА: йилгирувчи Диляноза Одилова иш устида. М. КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Сўнгги хабарлар

Дийдорлашув



Оролбўйида янграган кўнғирок

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари вакиллари бу йил ҳам Тахтақўпирдаги 6-ўрта мактабда бўлиб, истиқлол тенгдошларига тахририят совғаларини топширдилар

Тахтақўпир нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун мамлакатимизнинг энг шимоллий минтақасида деҳқончилик билан шуғулланган туман саналади. Бу заминда Қоратерен соҳилларида, улуг Ажиниёз ибораси билан айтганда, «Ярини қопқоқдек семиз моллар», думбаси қасқондек қўйларни боққан, шולי этиштиришда алоҳида ном қозонган миришкор эл яшайди. Оқар сув сероб йилларда Тахтақўпир деҳқон туманининг қирқ минг нафардан ортиқ аҳолиси жон бошига йилда 6 тоннадан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти этиштирган эди. Асп ниҳоясида Қуйи Амударё водисидан мисли кўрилмаган қурқочлик юз бериб, ундан Тахтақўпир аҳли энг кўп жабр кўрди. Аммо мамлакатимиз Президенти, ҳукумати тахтақўпирликлар зиммасига

тушган мураккаб вазиятни юмшатишининг барча чораларини кўридан. Вазиравлар Маҳкамасининг махсус қарори чиқди. Тошкенту Самарқанд, Наманган ва Қашқадарё, Андижон ва Жиззах, мамлакатимизнинг бошқа музофотларидан Қорақалпоғистонга, шу жумладан, Тахтақўпирга ҳам кўмак қарвонлари отланди. Не бахти, ана шу муруват қарвонидан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» тахририят сувисизликдан ўта қийналган тумандаги 6-ўрта мактаб жамоаси билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланди. Оталиққа олинган синф

(Давоми 2-бетда).

Газ ўлчагичларнинг улк партияси етиб келди

Аввал хабар қилганимиздек, 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой ҳукумати ўртасида мамлакатимизга 100 миллион юань миқдорда (12 миллион доллар) имтиёзли кредит берилиши ҳақида шартнома имзоланган эди. Унга асосан Хитойнинг «МАШИМПЕКС» компанияси мамлакатимизга жами 450000 дона газ ўлчагич етказиб беради. Яқинда «Ўзкоммунхизмат» ташкилотига қарашли «Бошқомунгаз» корхонаси газ ўлчагичларнинг 40450 донадан иборат илк партиясини қабул қилиб олди. Газ ўлчагичлар биринчи навбатда вилоятлардаги кам таъминланган оилаларга арзон нархда ўрнатилди. Шартномага кўра газ ўлчагичларнинг қолган қисми яқин 8 ой ичида олиб келинади.

Бухородан хорижга

Бухородаги «Табият саховати» акциядорлик жамияти Италиянинг «Фенко» фирмаси билан ҳамкорликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган қўшма корхона очиб хусусида шартнома тузди. Келишувга биноан, Италия томони корхонани энг замонавий ускуналар билан жиҳозласа, акциядорлик жамияти уни сифатли хомашё билан таъминлайди.

«Баҳодир»нинг ғайратли ёшлари

Булоқбоши тумани меҳнат биржаси ва савдо-ишлаб чиқариш фирмалари ёшларни ўзига мос иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. «Баҳодир» фирмаси ана шулар сирасига кириди. Ҳозир бу ерда ўнлаб қишлоқ ёшлари йилнинг ҳамма фаслига мос келадиган кийим-кечаклар тикиб тайёрлашмоқда. Сифати хорижийликдан қолшимайдиган, нархи анча арзон кийим-кечаклар харидорларга манзур бўлмоқда.

«Сарбонтекс» — истиқболли корхона

Асосий маҳсулоти тиббиёт учун зарур ашёлар — бинг, дока, пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сарбонтекс» нафақат Сирдарё вилоятида, балки республикамиздаги истиқболли корхоналар сирасига кириди. Фаолиятини бошлаганига салкам бир йил бўлган корхонада жорий йилнинг дастлабки ярмида қарийб бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Тушган маблағдан 492 миллион сўми қалава, 270 миллион 700 минг сўми тиббиёт дока, қолгани эса бинглар ишлаб чиқариш ҳисобига тўғри келади.

«Халқ сўзи» ва «Туркистон-пресс» мухбирлари.

ҚУРУҚ ВАЪДАМИДИ ЭКИ АЛДОВ?

Газетанинг 2002 йилги 30 май сонидида чоп этилган «Қуруқ ваъдамиди эки алдов?» мақоласида жавобан қуйидагиларни маълум қилди: Қорша ва Китоб шаҳарларидан ўрнатилган янги рақамли телефон станцияларининг монтаж ишлари 2001 йил охирида ниҳоясига етказилди. Аммо «бошқарув дастури»ни харид қилиш учун валюта масаласи ҳал этилмагани сабабли уларни 2002 йилнинг биринчи

«Халқ сўзи» назоратида

Имконият топилди

чорагида ишга тушириш имконияти бўлмади. Айни пайтда Қорша ва Китоб шаҳарларида «Алкотел» компаниясининг умумий сийми 14140 рақамга тенг «5-12» русумли телефон станциясининг тест ишлари тугалланмоқда. У яқин кунларда ишга туширилади. Х. МУҲИДИНОВ, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Бош директори.

адвокат Муҳаммад Жамируддин СИРКОР, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Вьетнам халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига ғоят самимий кутловлар йўллайман. Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги аънанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари кун сайин мустақамланиб, ривожланиб бораверди. Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳбарлигингизда гуллаб-яшнаётган ва бахтиёр мамлакатни барпо этсин. Президент Жаноблари, Сизга мустақам соғлиқ ва юксак маъсулиятли лавозимингизда уқдан муваффақиятлар тилайман. Чан Дик ЛИОНГ, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

Рақамлар сўзласин

2001 йилда пахта толасининг 24 фоизи ўзимизда қайта ишланди.

1991 йилда бу кўрсаткич 12 фоиз бўлганди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Жапон халқи ва шахсан ўз номидан Сизга қизинг табрикларини йўллаш менга мамнунит бахш этди. Ушбу воқеа икки томонлама муносабатларимизни мустақамлаш йўлида, Сиз, Жаноби Олийларига билан биргаликда меҳнат қилишга ҳар доим тайёр эканлигимизни Сизга яна бир бор таъкидлаш учун менга қулай имконият бермоқда.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА, Жапон Халқ Демократик Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаневич! Ўзбекистоннинг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларим ҳамда энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Мамлакатларимиз халқларини маънавий ва маданий яқинликка, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилишга, тинчлик ва тўғриқўллик асосидаги асосланган кўп асрлик дўстликнинг бебаҳо тажрибаси бирлаштириб турди.

Имомали РАҲМОНОВ, Тожикистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаневич! Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номидан самимий қутлайман. Ўзбекистон халқига нисбатан анъанавий қизгин ва эзгу муносабатда бўлиб келадиган Қирғизистон мамлакатларимиз ўртасидаги мавзуб амалий ва ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини гояк юксак қадрлайди ҳамда ушбу шонли воқеа муносабати билан бирорлар ўзбек халқининг қувончига чин дилдан шерик бўлади.

Аскар АКАЕВ, Қирғизистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаневич! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан раҳмат билан Сизга билан биргаликда қутловларимни қабул қилгайсиз. Ушбу шонли кунда Сизга ва бутун дўст Ўзбекистон халқига бахт-саодат, омонлик ва равақ тилашини истайман. Ишончим комилки, Арманистон билан Ўзбекистон ўртасида таркиб топган анъанавий дўстлик муносабатлари мамлакатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Роберт КОЧАРЯН, Арманистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаневич! Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон халқини сизидан муборакбод этаман. Озарбойжон билан Ўзбекистоннинг тарихий дўстлик ва иккала томон учун манфаатли бўлган ҳамкорлик аниқлашга боғлаб турибди. Ана шу дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақамлаш ва кенгайтириш бундан бундан ҳам халқларимиз, давлатларимизнинг манфаатларига хизмат қилишига ишонаман.

Ҳайдар АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни нишонлашни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Бирлашган Араб Амириклари халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номидан самимий табрикларини йўллаш менга мамнунит бахш этди. Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст мамлакатингиз халқига доимий тараққиёт тилайман. Камоли эҳтиром ила,

Занд бин Султон Ол НАҲАЁН, Бирлашган Араб Амириклари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу Бирорлар мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Саудия Арабистони Подшоҳини халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларини ва хонли тилакларини йўллаш менга мамнунит бахш этди. Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст мамлакатингиз халқига доимий тараққиёт тилайман. Камоли эҳтиром ила,

Икки муқаддас масжид ходими Фахд бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, бугунги кунда бепоён дала-ларда ризқ-рўз ундирётган деҳқон ва фермерларнинг фикри умири ўзгармоқда, уларнинг ерга, меҳнатга муноса-бати, ернинг, дунёқарашига ўзгармоқда. Улар биринчи нав-батда эриман, дунёқарашига ўзгармоқда. Улар биринчи нав-батда эриман, дунёқарашига ўзгармоқда. Улар биринчи нав-батда эриман, дунёқарашига ўзгармоқда.

Ислом КАРИМОВ.

— Касбим — педагог, мутахассислигим — шифо-кор. Узимни ўзим эса та-ққотчи-фермер, деб ҳисоб-лайман. Бу ҳаётий гап эмас. Юртимизда фермер-лик ҳаракати бошланганда биринчилардан бўлиб Ку-васойнинг қир-аширларида «Азиз» фермер ҳўжалигини тузганман. Ҳозир шу тар-моқнинг тарбиятчисига айландим. Вилоят телеви-деосида муаллифлик қўрастувим бор. Ўз сармо-ям ҳисобига беш минг нус-xada «Фермер ва томорқа-чи» газетасини ояйга икки марта нашр қилганман. Фер-мерлик ҳақида гурунг бор-ки, иштирок этаман.

Юртимизнинг Вази-рлар Мақомадининг 2002 йил биринчи ярим йилли-ги якунига бағишланган мажлисидаги маърузасини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Мавзуда ердан фойдала-ниш қонунчилиги бўзилган қўшниқларнинг, пар-варини даврида ҳосилини ола-диган ҳажолат тортиб, бу боравалги ўз фикр-мулоха-заларим билан ўртоқла-шишга аҳд қилдим.

Тан олинч керакки, кўп жойларда ҳукуматнинг ер ва сув ресурсларидан самар-али фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган концепция-дастур талаб-лари бутунлай унутиб қўйи-ляпти ёки эътибордан чет-да қоляпти. Ҳўш, бу да-стурнинг тўла-тўқис бажа-рилишига Фермерлар, деҳқонлар қандай ҳисса қўшишлари лозим? Томор-қа оилани боқадими?

ИЛМИ ДЕҲҚОН ТАСОДҚЛАР ҚУЛИ БЎМАЙДИ

Ердан фойдаланишдаги муаммоларнинг тўб моҳи-ятига етиш мақсадида

Кўплаб томорқачилар билан гурунг қурганман. Баъзи одамлар деҳқончиликнинг сирларини билмасликларидан қийналаётганликларини, пар-варини даврида ҳосилини ола-диган ҳажолат тортиб, бу боравалги ўз фикр-мулоха-заларим билан ўртоқла-шишга аҳд қилдим.

Мана, орадан бир йил вақт ўтди. Истиклолнинг 11 йиллиги кенг нишонланди. Эртасига, 2 сен-тябрь кун эрталаб, барча жойлар-да бўлгани каби 6-мактабда ҳам биринчи кўнғирок чалинишига санок-лик дақиқлар қолганида газета би-рлашма мақола вақтинча наваб-лагчи дилдорларнинг юз берди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газе-талари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда туман раҳба-риятининг маъсул тоғлиқ, ота-она-лар, ўқувчилар ва уларнинг мураб-билари, оммавий ахборот восита-лари ходимлари мактаб ҳовлиси-га тўпандилар.

Билимлар кунини ва биринчи кўн-ғирок муносабати билан ўтказилган та-танали йиллигини Тахтақўлпур ту-мани давомининг ўринбосари Дав-латмурат Қолқўров олади. Шундан сўнг туман ҳокими, Қорақалпоғ-истон Ҳўқори Кенгеси депутати То-ғлимурат Атамуратов сўзга чиқиб, мактаб остонасига энди қадам қўйган 43 нафар жажжи ўғил-қизга Прези-дент совғаларини топишари, меҳ-монларга миннатдорлик сўзларини айтди, туманда амалга ошириляган

Ер билан тиллашган фермер

ёки қувасойлик Аҳмадали ТЕСАБОЕВнинг томорқа ҳақидаги монолоғи

малакалари етишмаслиги са-бабли, ердан унумли фойда-лана олишмайпти. Баъзилари картошка экиб, ҳосили-ни қолорада кўнғирок ола-диган қўнғирок, ҳатто уруғ билан меҳнатини ҳам қол-ламаётганлини, баъзилар бо-ғлариди меваларини кўрт ва бошқа хашаротлар босиб, кўплаб зарар қўраётганлик-ларини айтиб, ҳасрат қилиша-ди. Томорқачилар учун ким-ёвий дорилар сотиладиган дўконлар йўқлиги, қўлда бир литр препаратнинг нархи 35-50 минг сўмдан ҳам ор-тиб кетганини, бунинг усти-га, улар фойда ҳам бермаёт-ганини айтишади. Баъзилар минерал ўғитлар сотиладиган мағазинлар йўқлиги, бор бўлса ҳам, жуда камлиги, жа-моа ҳўжалиқларининг мине-рал ўғитлари мажбуран ўғир-ликча сотиляётганлиги, ҳатто бир килограмм ўғитнинг нар-хи 70-80 сўмгача қиймет ке-таётганлигини айтиб, фиго-ни ошади. Айрим томорқа-чилар бу йил сув таъминоти анча яхши бўлса-да, аксари-ят йиллари сув масаласи қий-наб қўяётганлигини, экила-ётган экинлар бир-икки сўв-дан қолиб, ҳазон бўляётган-

ни ҳам таъкидлашди. Бу дол-зарб муаммолар биз юқор-да тилга олган концепцияда ўз ифодасини топган. Гап уни амалга оширишда.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Эл дастурхонини тўла-дирин йўллаш мўнглаб деҳқон-ларимиз тер тушмоқда. Юртимизда дунёнинг манман деган фермер ва деҳқонларига дарс берадиган миришкорлар ҳам бор. Мана шулардан бири — Фарғона тумани Қалайбоқ қишлоғида истиқомат қилу-вчи томорқачи Раҳматжон Мир-закаримов билан кўп мулоқот-да бўлганман. — Бу дунёда яхши яша-шни ким хоҳламайди дейсиз? — дейди у. — Аммо яхши яшаш учун ҳамма касба ҳам яхши меҳнат қилиш керак. Ота-боболар «Деҳқончилик — етти хазинанин бир», деб айттишган. Қишлоқда яша-яптимни, қандай касба иш-лашадан қатъий назар, деҳқончилик билан шуғул-данган одам кам бўляпти. Мана, менинг ўзим 16 сотих

завот экинлари экилган, агар сир бўлмаса бу экинлардан қанчадан даромад оласиз?», дея сўраб қолишди. Энди ҳар ким ўзи елган экинни-ни экади. Мен оилага керак бўладиган экинларнинг ҳам-масини экавермайман. Ак-синча, кўп даромад эвазига керакли сабаботларни сотиб олавераман. Мана, ўтган йил мисолида айтсам, 6 сотих ерга картошка экиб, 1500 кило даромад сўнг 3 сотих ерга глади-олус туғларини экиб, жами 9 минг дона гул етиштириб, донасини 50-60 сўмдан соти-б, меҳнатимизга яраша да-ромад олдик. 3 сотих атро-фидаги иссиқхонага эса 32 туп лимон қўчати эканман. Лимон туғлари ҳали ёш бўлгани сабабли, ўртача 150-120 донадан лимон узиб ол-дик. Ўтган йили бир дона лимон бозорда 150 сўмдан 200 сўмгача сотилди. Бир туп лимон воғга етса, 300-400 донадан орттириб мева бера-ди. Қолган 3 сотих ерда эса помидор ва чиннигул етиш-тирдик. Ҳудосасини айтсам, яхши режа асосида ишланса, томорқа оила бюджетининг бир томонини бемалол қўта-ради.

ЎЗ ВАҚТИДА ҚИЛМИГАН БАШОРАТ

Ўтмишдан маълумки, дунё цивилизациясида сўғурма деҳқончилиги асос солган халқ туркий миллатлардир. Боболаримизнинг унутилмаган тари-хий миллий бойликларини, миллий деҳқончилик мадания-тларини қайта тиклашга эн-дигина қадам қўйилди, ҳоло-Узоқни кўра билан Юртбо-шимизнинг 1991-1992 йиллар-даги дастлабки савобли ишла-ридан бири халқимизга ер, то-морқа бериш бўлди. Энди йўласак, Юртбошимиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида-ги қийинчиликларни бартараф эттириш бирдан-бир йўли халққа томорқа бериш экан-лигини олдидан кўра билган экан. Мана, бугунга келиб, то-морқа ўтиш даврида қанчалик аҳамият қасб этганига ўзин-гиз тўғиб бўлиб турибди. Чун-ки томорқадан миллионлаб да-ромад олиб, бу қийинчилик-ларни енгиб ўтаётган, тўғлар қиляётган, қўша-қўша иморат-лар қиляётган деҳқонларимиз қамми? Қишлоқларимизда бир миллиондан ортик пенсионер-лар, яна уйда ўтирган кўп бо-лали оналар, уч миллиондан ортик катта синф ўқувчилари томорқада маҳсулот етишти-риш, чорва боқиб билан банд бўлиб, оилаларини тебратиш-га ўз ҳиссаларини қўшмап-тимми? Бугунги кунда картош-канинг 80 фоизини, туғунинг 60 фоизини, сабаботларнинг 66 фоизини, савотларнинг 90 фоизини қишлоқ оилалари ўз тармоқларида етиштириб бермоқда-ку? Ҳўзир юртим деб, элим деб, ёнб яшаш да-ври. Қачи қийинчиликларнинг асосий қисми орта қоляётган бўлса ҳам, ривожланган дав-латлар қаторига чиқишимиз учун ҳали кўп тер тушмишим-га тўғри келади. Мавзумиз-нинг бошида «Томорқа оил-ани боқадими?» деб бекора сав-ол қўганимиз йўқ. «Меҳнат билан бирини олсанг, илми би-дан ўзини олсан» деган гап бе-жиз айтганман. Агар деҳқон-ларимизнинг илм ва касб ма-лакаларини бугунги кун та-лабларига кўра олсан, деҳқон илми бўлса, Юртбо-шимиз таъкилландик, ер ўз эгасини топса, томорқа оил-ани, бутун юртни боқадим.

Монолоғи оққа кўчурди: Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Оролбўйида янграган кўнғирок

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқувчиларга газета маблағи эвазига бежирим қийимлар тортиқ қилинди. Мактабда «Халқ сўзи» кутубхонаси ташкил этилди. Унга қатор таниқли адиблар ва ёш ижодкорлар ўз китоб-ларини дастлавлари билан ҳая қил-дилар. Мактаб, унинг кутубхонаси, ота-лиққа одинган синф, айрим ўқувчи-лар «Халқ сўзи»га таҳририят ҳисо-

бидан обун бўлишди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, таҳририят мактаб-нинг ўзи ва бир неча синфини мам-лакат мустақиллигининг 10 йилли-гига бағишлаб нашр этилган «XXI аср: истиқболимиз тўқмоқлари» ном-ли китоб билан таъминланди.

Мана, орадан бир йил вақт ўтди. Истиклолнинг 11 йиллиги кенг нишонланди. Эртасига, 2 сен-тябрь кун эрталаб, барча жойлар-да бўлгани каби 6-мактабда ҳам биринчи кўнғирок чалинишига санок-лик дақиқлар қолганида газета би-рлашма мақола вақтинча наваб-лагчи дилдорларнинг юз берди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газе-талари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда туман раҳба-риятининг маъсул тоғлиқ, ота-она-лар, ўқувчилар ва уларнинг мураб-билари, оммавий ахборот восита-лари ходимлари мактаб ҳовлиси-га тўпандилар.

Билимлар кунини ва биринчи кўн-ғирок муносабати билан ўтказилган та-танали йиллигини Тахтақўлпур ту-мани давомининг ўринбосари Дав-латмурат Қолқўров олади. Шундан сўнг туман ҳокими, Қорақалпоғ-истон Ҳўқори Кенгеси депутати То-ғлимурат Атамуратов сўзга чиқиб, мактаб остонасига энди қадам қўйган 43 нафар жажжи ўғил-қизга Прези-дент совғаларини топишари, меҳ-монларга миннатдорлик сўзларини айтди, туманда амалга ошириляган

ишларга қисқача тўхтади. Ҳақиқатан ҳам, оқар сувнинг қўяйиши тахта-қўпирликлар олдиди имконият эшик-ларини кенг очиб берди: бу йил улар 1519 гектарда гўза, 4100 гектар ерда шолни парвариш қилмоқдалар. Қўзги бугдой экишга киришилди. Бу биринчи япи майдони бу йил 4300, келаси йил 9500 гектарга (шолни ҳам шунча майдонда) етказилди. Туман-да «Тахтақўлпоқшом» қўшма корпо-раси тузилди. Қўнғироклар ёғи иш-лаб чиқариладиган завод ишга туши-рилди. Кичик ва ўрта бизнес ривож-ланмоқда. Шу йилнинг биринчи чо-рагида туман қишлоқларида 120 та янги иш ўрни яратилди. Туман мар-кази яқинида бирварақайига 28 та хасталиқни даволашда қўл келадиган маънавий сув манбаи тоғлиқ, бе-морлар саломатлигини мустақамла-моқда. Айни чоғда халқ таълим со-ҳасига бўлган эътибор қўяйирил-моқда.

Шундан сўнг бош муҳаррир ўрин-босари Одибек Каипбергенов сўзга чиқиб, таҳририятнинг мактаб билан ўзаро шартнома асосига қурилган ҳамкорлиги бундан кейин ҳам да-вом эттишини билдирди. У бешинчи «А» синфининг 30 нафар ўқувчисига 6 атамадаги дарсликлар тақдими ҳамда Нукуслаги машҳур «Гулоий» манший хизмат уюнда ҳар бир ўқув-чи махсус бичимлар асосида та-килган камзул-шим, қизларга кам-зул-юбкаларини топишди. Энг му-

ҳими эса, ҳар бир ўқувчи ўша сов-ғалар билан бирга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳри-риятининг мактубини ҳам олди. Унда синфдаги ҳар бир ўғил-қиз муста-қиллигининг 11 йиллиги, янги ўқув-чи йили билан қўлланиб, энг яхши ти-лақлар илҳор қилинган эди. Шу-нингдек, мактаб кутубхонасига ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчиларининг бир қанча китоблари ҳам таҳририят но-мидан ҳая этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Азат Матмуратов, ота-оналар вакиллари, ўқувчилар энг улўғ, энг азиз байрамимиз ҳисоб-ланган истиқлол, унинг таълим ти-зимлигаги шарофати тўғрисида тўқтиниблиб гапирдилар. Кейин ёш дўстлар билан мулоқот босити бе-шинчи «А» синфининг ўзда давом этди. Синфининг фаол ўқувчилари-дан Ойсанам Қурбонназарова, Уло-ва Тилеулова, Гулшод Сарсенбоева-лар «Халқ сўзи»га, газетанинг до-имий муаллифларидан бири, Ўзбеки-стон Қаҳрамони Абдулла Ориповга бағишланган шеърлардан ўқиб бер-дилар.

Биринчи кўнғирок чалинди. Пре-зидент совғаларини бағрига босган биринчи синф ўқувчилари, катта ҳаятга шайланаятган ўн биринчи синф йилит-қизлари ва улар қатори-да энгига «Халқ сўзи» таҳририяти ҳая қилган либосларни кийган ёқимтой болалар мактаб остонаси-дан билдирган мамлакатига ҳаттадилар. Улар билан яна кўп марта дилдорла-шув насиб этди, деган умидимиз!

Янгли КўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Саховат

Юртимизда ёз ва куз фасллари ўзгача кечди. Шу боис халқимиз уларни саховат фасли, деб аташди. Пойтахт-ликлар дастурхонини қишлоқ ҳўжалик махсу-лотлари билан тўлдирини мақсадида Вазирлар Мақомаи фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 10 сентябрга қадар пойтахтимиз бозорларида вилотлардан келтирил-ган янги ва сархил мевалар арзон нархларда сотилади.

— Андижонлик деҳқонлар савдо ярмар-касида 1396 тоннадан зиёд маҳсулот сотишни мўлжаллаган, — дейди вилот «Мевасазавот» бирланмаси раиси Камолддин Ҳамидов. — Ярмаркада Жалолқудж, Булоқбоши, Олтинқўл, Марҳамат ва Шаҳрихон туманлари фаол иштирок этишди. Шунингдек, «Андижонгўштсўтсанот» бирланмаси, «Андижон» ҳамда «Гулбулоқ» фирмалари ҳам ўз маҳсу-лотлари билан қатнашди-лар. Фурсатдан фойдала-ниб, пойтахтликларни Юнусобод туманидаги Марказий бозорга таклиф этамиз.

СУРАТЛАРДА: «Савдо ярмаркаси»дан лавҳалар. Абдуботир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Ёнма-ён идорада икки хил ҳолат

Бўстонлик тумани аҳоли-си учун буриги йил анча ташвишли келди. Қишнинг сўнги ойларида баъзи қўрғон ва қишлоқларда исити-ш тармоқлари музлаб, ҳатто гроблар ёрила бошла-ди. Кўпчилик хонадонлар та-биий газга ишониб, печка ва бошқа иситиш воситаларини бузиб ташлашга илҳор оқибатда оғир аволда қол-дилар. Шикоят ва арза-лар туман ва вилот раҳ-барларини ҳам шошириб қўйди. Устига устак, электр чиройи ҳам тез-тез ўқиб ту-рғаниги сабабли, одамларни қандай қўнғирок овутириш масаласи қўндалган бўлиб ту-рарди. Хуллас, ўтган қиш ҳамма учун катта сабоқ бўлиб, табиий газдан тежам-ли фойдаланиш масаласида қатъий чоралар кўришга тўғри келди.


Туман ҳўқимлиги мажмур муаммо билан жиддий шу-ғуланиб, жойларда текши-риш ишлари ўтказди, тар-тиббузулар қаттиқ жазолан-ди. Туман газ наориси раҳ-бари вазифиндан овоз эти-ди, ўринга Мелс Нишонов бошлиқ этиб тайинланди. Аммо ҳўзир унинг меҳ-нат фаолияти силлиқ бораят-гани йўқ. Зеро, раҳбарлик юкни тортишни ҳамма ҳам кўнғилдагидек эллайвермай-ди. Ўтган йил 19 октябрда

туман ҳўқимлигининг катта мажлислар залида бўлган йил-лиқда ҳўқим кўққисдан сўраб қолди: «Қишда таби-ий газ узлуқсиз таъминчи-лик?» Мелс Нишонов ҳеч иккиланмай жавоб қайтарди: «Бу, аввало, барчамизга боғ-лиқ, қолаверса, Ҳудо хоҳла-ди, табиий газнинг узлуқсиз ёнишини, албатта, таъмин-лаймиш...»

Таққос ва таклиф

Ўша пайтда кўнғирок билан ваъдага ишонқирамаган, қиш мавсумида ташвиш торганликларни туфайли одамлар қайтадан печка қури бошлашганди. Ўтган йили қиш ҳазиллакам бўлмади. Аммо газчилар бўш келиш-мади, туман халқи, баҳорни ҳеч бир талафотсиз кутиб олди. Туман газчилари йил бўйи гуруҳларга бўлиниб, ҳақиқий аҳолини назорат қилишди. Қондабузарлар тар-тибга солинди, хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаган-ди, узлуқсиз рабаблантирил-ди, узлуқсиз тушутириш ишлари олиб борилди.

Лекин туман газлашти-риш идораси билан ёнма-ён жойлашган электрлаштириш корхонаси ўз фаолиятини қонқарди олиб боролмап-ти. Электр чиройини иста-



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 3 сентябрдан бошлаб валюта опера-циялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритишни, шунин-гек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарини сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиляди: *

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажмур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	430,14	1 Исландия крониси	8,90	1000 Туркия лираси	0,48
1 Англия фунт стерлинги	1214,33	1 Канада доллари	903,53	1 Швейцария франки	522,65
1 Япония йени	103,62	1 Хитой юани	94,78	1 ЮЭР	768,97
1 БАД диррамини	213,60	1 Малайзия рингити	206,47	10 Япония йени	6,51
1 АКШ доллари	784,50	1 Россия рубли	190,18	1 Украинна гривнаси	24,85
1 Миср фунти	168,93	1 СДР	1041,43		

Японияда ўзбек таомлари ресторани очилди

Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланган 1 сентябрь кuni Японияда биринчи ўзбек таомлари ресторани — «Silkroad» («Ипак йўли») театр-ресторани очилди.

«Silkroad Uzbekistan Japan Inc.» дан хабар беришларича, ресторан катталлиги бўйича Япониянинг иккинчи шаҳри ҳамда Япония иқтисоди юраги бўлмиш — Осаканинг қоқ марказида жойлашган.

Ресторан ўзбек дизайнерлари томонидан миллий руҳда безатилган. Унда кўпгина халқ ихидиети буюмлари, суратлар намойиш этилган, миллий мусиқа янграб туради.

Ресторан меҳмонлари нафақат ағънавий ўзбек таомларидан тановул қилиши, балки Ўзбекистондан келган рақс гуруҳи ижросидаги мумтоз шарқона рақсларни томоша қилиши мумкин.

«Silkroad» ресторани япон халқига Ўзбекистон ҳақида кўпроқ маълумот олишга ёрдам беради ва икки халқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришга ҳисса қўшади. Бу муносабатлар илҳамида қадим тарихга бориб тақалади.



Юртимизда мустақил тузум, Иккинчи жаҳон уруши дастандан жабр чеккан гўшалар беҳисоб. 31 август — Қатан қурбонларини ёд этиш кuni Юқори Чирчиқ туманидаги Жумабозор қишлоғида «Мотамсоро ана» ҳайкали очилди. Бу ёрга ўрнатилган ёдгорлик деворларига бедарак йўқолган, халок бўлган 512 нафар йигитнинг исм-шарифи ёзиб қўйилган. Йигитлар бу ёдгорлик ўтганларни ёдга солиб, оғоҳликка чорлаб туражати ҳақида гапиршиди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистонлик қирғиз буви

Оқтомда бу ўзбек, бу қирғиз, деб ажратиш йўқ. Бир-бирига қариндош, қанда-анда халқ яшайди. Айниқса, нуруний қарияларнинг иноқлигини айтмайсизми? Бу қишлоқда қарияларга хурмат, эътибор бўлакча. Улбунса Алимбекова ҳам оқтомликларнинг қайвони онахонларидан саналади.

— Ўн жетти жашимдан башба теле ва бағде ишладим, сизир сағдим, — дея тушунтиради ўзбекчалаштирилган қирғиз тилида. — Шу кунлерге жеткизганига шукур.

Дарҳақиқат, Улбунса она қишлоққа меҳнат синган аёллардан. Буни нафақат қадок қўллар, саратону шамолларда тобланиб чиқиқ тортилган бугдойранг

юзлари, балки унинг меҳнатини билган Янгикўрғон тумани аҳли, ҳар бир ҳамқишлоғи айтади.

— Шукур, меҳнатларимиз мевасини тотиш насиб айлади. Мустақиллик замонида эмин-эркин меҳнат қила бошладик. Балдаримиз ер олиб пудратчилик ортиден тўқ жашаватир. Биздин заманда мундей шариаттер жуқ эди. Қанча ишламайди, ҳеч нерса оттиралмедиди. Ҳазиргилер уй-жойларини жашилаватир, машине минаватир... Бу ҳаммаси мустақиллик шарофати-да, чирағим.

Улбунса она қачон қараманг, маҳалладошлари даврасида. Қишлоқнинг бирор талбири йўқки, онахонсиз ўтса. Тую маърака-

лар ичмам, тартибли ўтишида Улбунса онанинг ўз ўрни бор. Қишлоқда икки халқнинг урф-одатлари уйғунлашиб кетган. Бир фарзанда етти қўшни ота-она деган нақлга ана шу қишлоқликлар қатъий амал қилади.

— Буларнинг бари меҳроқибат натижаси, — дейди онахон. — Бизга мустақиллик ўзимизни ҳам ўзгаларни ҳам қадрлашни ўргатди. Мустақиллик байрами арафаси Улбунса онани учратиб қолдим.

— Қишлоқнинг четидати маҳаллада икки қўшни — ўзбек йигити қирғиз қизига уйланыпти, шунинг маслаҳатига кетялман, — дейдилар. — Тўйга келинлар.

Шаҳзода АКБАРОВА. Наманган вилояти.

ИНТЕРНЕТ — бизнес қаноти

Республикамиз пойтахтида «E-Commerce Tashkent, 2002» номи остида навбатдаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференция — ағънавий таъбирлардан бўлиб, Марказий Осиё ва Кавказorti мамлакатларида электрон тижоратини ҳамда автоматик усулда бошқарушни ривожлантириш масалалари хусусида фикрлашилган йирик халқаро интернет-анжумандир. Анжуман ишда компьютер дастурлари ва технологияларнинг ишлаб чиқарувчи йирик уюшмалар, халқаро консалтинг компаниялари, жаҳонга таниқли хорижий инвестиция жамғармалари ҳамда юқорида таъкидланган икки минтақадаги республикаларнинг йирик корхоналари, вазирликлари, идоралари, банклар, сугурта компаниялари, акциядорлик жамиятлари, халқаро ва жамоатчилик ташкилотлари, Ўзбекистонда ишлаётган хорижий компанияларнинг вакиллари қатнашди.

Шуни айтиш керакки, бундай йирик доирадаги конференция Тошкентда иккинчи марта ўтказилмоқда ва бу бежизга эмас. Чунки Ўзбекистон бой табиий

захираларга эга, жўрғофий маънода, гавжум халқаро тижорат йўлининг марказида жойлашган, инфратузилмалари кенг миқёсда ривожланган, математика, электроника, кибернетика ва бошқа аниқ фанлар соҳасида бебаҳо ағъналар ва тажрибаларга эга бир мамлакат. Айниқса, ҳозирги кунда Ўзбекистонда телекоммуникация, замонавий технологиялар ва шу жумладан, электрон тижорат тармақига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президент Исрол Каримов ахборот технологиялари тараққиети мафатларини қўзғаб махсус Фармонини имзолади. Президент Фармонидан кейин Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳам жорий йилнинг июнь ойида худди шу масалага доир қарор қабул қилди. Худлас, республикада компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ҳаётга кенг жорий этиш энг истиқболли вазифалардан ҳисобланади.

«E-Commerce Tashkent, 2002» халқаро анжумани кун тартибидан Марказий Осиё минтақасида, жумладан, Ўзбекистонда электрон

тижоратини ва корхоналарни автоматик усулда бошқаришни янада такомиллаштириш билан боғлиқ энг сўнгги натижалар, қарашлар, тавсиялар ва тақлифлар асосий масалалар бўлди. Бизнес ривожда электроника имкониятлари янги даражни очди. Интернетда тижорат рекламаларини жойлаштириш кучайтириши, веб-сайт, веб-портал, мультимедиялардан фойдаланиш — булар тижоратни халқаро миқёсда қанот ёйдирди. Бунинг устига, масалан, Интернет орқали савдо-сотик уюштириш савдонинг бошқа ағънавий шаклларига нисбатан тижоратига 20-30 фоиз миқдорда реклама харажатларини тежаб қолишда ёрдам беради. Чунки бир дақиқалик халқаро телефон алоқаси қиймати Интернетда бир соат ишлаш қийматига тенг. Ўзбекистон ўз маҳсулотларини дунё миқёсда реклама қилишга ва уларнинг экспортига йўл очишга катта эҳтиёж сезиб турибди. Бундан интернет, электрон тижорат воситалари жуда фўл келади. ERP йўналишига, яъни

Халқаро анжуман

«ТЕХ-NAZ» MchJ.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БИЛАН ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА МУСТАҚИЛ ТЕХНИК НАЗОРАТ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ. БУЮРТМАЧИЛАРГА ИШИНИНГ СИФАТИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН САМАРАЛИ ВА УМУМЛИ ФАЙДАЛАНИШ, ТЕХНИК ХУЖАТЛАРИНИНГ ЮҚОРИ САВИЯДА БОЖАРИЛИШИ ҲАМДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТЕКШИРИШЛАРДА БУЮРТМАЧИ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ. БУЛАРДАН ТАШҚАРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА МУЛКИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗОРАТ, ҲАР ХИЛ ОБЪЕКТГА ТӨГИШЛИ ХИСОБИДАН ТАЙЙИРЛАШ, ОБЪЕКТИНИ ТАЛОБ ҚИЛИНГАН ОРГАНЛАРДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ, КОНСАЛТИНГ ВА БОШҚА ХИЗМАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

Телефон: (8-371) 144-48-86, факс: 41-41-05.

ПЕДИАТРИЯ ИЛИМЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АСПИРАНТУРАГА:

- педиатрия мутахассислиги — 1 ўрин.

Хужжатлар институт директори номига қуйидаги манзилга юборилиши керак: 700179, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Ташкент тор кўчаси, 3-уй.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 6 сентябрь, жума кuni чиқади.

ALUCOBOND

АЛЮМИНИЕВЫЕ КОМПОЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ

ДЛЯ НАРУЖНОЙ И ВНУТРЕННЕЙ ОТДЕЛКИ ЗДАНИЙ

БЕСПЛАТНО

Вызов специалиста. Разработка дизайна. Доставка. Установка.

Гарантируем качество при оптимальной цене!

Тел./факс 195-41-53, тел. 187-44-65, 188-98-42.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

БАНК — МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 2002 йил учун аспирантурага қабул эълон қилади:

АСПИРАНТУРАГА ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

- иқтисодий назария;
- молия, пул муомаласи ва кредит;
- бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.

ДОКТОРАНТУРАГА ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

- молия, пул муомаласи ва кредит.

Хужжатларни қабул қилиш муддати 2002 йил 10 сентябрдан 10 октябргача.

Маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинганда:

700000, Тошкент ш. А. Каюмов (собиқ Якуб Колас) кў. 16-ўй. Телефонлар: 68-54-77, 68-38-10.

АЛЮМИНИЕВЫЕ ОКНА, ДВЕРИ, ВИТРАЖИ

ТОЛЬКО В КРАСИВЫХ ОКНАХ ВИДНЫ КРАСОТА МИРА, ДОБРАЯ УЛЫБКА ОТЦА, ЧИСТЫЕ ЛИЦА ДЕТЕЙ.

«ALQUR» участвует в строительстве отелей, бизнес-центров, колледжей, автозаправочных станций, жилых домов и т.д.

ALQUR

Бектемирский район, Ахангаранское шоссе, 2
Тел.: 98-64-83, 185-67-74. Факс: 98-64-84

Куйлик

ALQUR

Алмалык

КОЗОЗ ЧИҚИНДИЛАРИ ҲАМ МАХСУЛОТЛАР

КОЗОЗ ЧИҚИНДИЛАРИГА АЙИРОШЛАНДИГАН МАХСУЛОТЛАР

№	Номи	1 кг учун
1.	Пахта ёғи, 0.5 л., бут.	6 кг.
2.	Хўжалик совуни, бўлак	2 кг.
3.	Ароқ, 0.5 л., бут.	11 кг.
4.	Вино, 0.5 л., бут.	4 кг.
5.	Макарон маҳсулотлари, пач.	2 кг.
6.	«Мента» кир ювиш воситаси, бан.	6 кг.
7.	Тозалаш кукуни (порошок), бан.	4 кг.
8.	Кукун (порошок) 400 гр., пачка	5 кг.
9.	«Лимон» шамшун, бут.	4 кг.
10.	«Коралина» шамшун, бут.	4 кг.
11.	«Облепиха» шамшун, бут.	4 кг.
12.	Лампочка, дон.	2 кг.
13.	Гуурт, 4 кутча	1 кг.
14.	Картон К-350, кг.	4 кг.
15.	Топали плита, кв.м.	5 кг.
16.	Гофрокутилар, кв.м.	3 кг.

КОЗОЗ ЧИҚИНДИЛАРИ ЙИГИШ ВА УНДАН КАРТОН СИРИМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФАЙДАЛАНИШ ШАРАҲИНИ САНИТАРИЯ ВА ЭКОЛОГИК ХОДАТНИ ЯХШИЛАБ, АСОЛИЙИ БАНДИНИ ТАММИҚИЛАДИ.

КОЗОЗ ЧИҚИНДИСИ, ШУНИНГДЕК, ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БОЗОР НАРХИДАН ЮҚОРИ БАҲОДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАТГАН ҚУЙИДАГИ МАХСУЛОТЛАРГА ҲАМ АЛМАШТИРИЛАДИ:

- ГОФРОСИФИМЛАР; • УРАШ КОЗОЗИ;
- ЕЛИМЛАНГАН КАРТОН; • ТОПАЛИ ПЛИТА.

Маълумот учун телефонлар: (371) 144-10-78, 41-81-24 Тошкент ш., (266) 2-12-23, 3-74-26 Ангрнн ш.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСАЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИДОНОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲРОДИЙ,
И. ШОҒУЛОМОНОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;

Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 877, 27544 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — М. НОРМУРОВОВА. Муасхих — О. АБДУЛАЗИМОВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Тижорат материали.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.00.

1 2 3 4 5 6